

**ТОШКЕНТАРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2021.А.11.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**АБДИХАЛИЛОВ ФИТРАТ АБДИХАЛИЛ ЎҒЛИ**

**ШАҲАРСОЗЛИКДА ТУРАР ЖОЙ МАСКАНЛАРИНИ  
АВТОТРАНСПОРТ ШОВҚИНИДАН ҲИМОЯЛАШНИНГ  
ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАРИ**

18.00.02 – Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар-жойларини режалаштириш.  
Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси.

**Техника бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияавтореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

<b>Абдихалилов Фитрат Абдихалил ўғли</b> Шаҳарсозликда турар жой масканларини автотранспорт шовқинидан ҳимоялашнинг инновацион ечимлари.....	3
<b>Абдихалилов Фитрат Абдихалил угли</b> Инновационные решения защиты от автотранспортного шума жилых кварталов в градостроительстве.....	22
<b>Abdikhaliyov Fitrat Fbdikhaliyov ugli</b> Innovative solutions for protection from motor vehicle noise of residential areas in urban planning.....	41
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	46

**ТОШКЕНТАРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2021.А.11.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**АБДИХАЛИЛОВ ФИТРАТ АБДИХАЛИЛ ЎҒЛИ**

**ШАҲАРСОЗЛИКДА ТУРАР ЖОЙ МАСКАНЛАРИНИ  
АВТОТРАНСПОРТ ШОВҚИНИДАН ҲИМОЯЛАШНИНГ  
ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАРИ**

18.00.02 – Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар-жойларини режалаштириш.  
Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси.

**Техника бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/T2582-рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда ўзбек, рус, инглиз (резюме), Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.taqi.uz](http://www.taqi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хотамов Асадулла Тоштемирович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Уроқов Аслиддин Хушвақтович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Ҳасанов Азамат Озадович**  
архитектура фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

“ТОШКЕНТБОШПЛАНЛИТИ” ДУК

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2021.A.11.02 рақамли илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг 2022 йил «09» сентябр куни соат 10-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси 7в-уй. ТАҚИ, Архитектура факультети Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: [devon@taqi.uz](mailto:devon@taqi.uz), [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№78 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик Халқа йўли кўчаси, 7-уй. Тел.: (+99871) 235-43-30; факс: (+99871) 234-15-11, e-mail: [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)). факс: (99871) 241-80-00, e-mail: [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)).

Диссертация автореферати 2022 йил 24 август куни тарқатилди. (2022 йил «14» июлдаги 1-рақамли реестр баённомаси).

**Д.А. Нозилов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш раиси, арх.ф.д., профессор

**Ш.С. Рейимбаев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш илмий котиби, арх.ф.н., доцент

**А.Х. Уроқов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда автотранспорт воситалари сонининг кескин даражада ортиши, транспорт билан боғлиқ бўлган кўпгина масалаларни, жумладан кўчаларнинг ўтказиш қобилияти ва транспорт воситаларининг ҳаракат тезлигини пасайишига, бир сатҳли чорраҳаларнинг кўпчилигида транспорт воситаларининг тирбандликлари вужудга келишига, натижада транспорт воситаларининг ёнилғи сарфини ошишига, йўловчиларнинг ортиқча вақт йўқотишларига, шунингдек, чиқинди газлар ва транспорт шовқинининг ортишига, шаҳар кўча-йўлларининг санитар-гигиеник ҳолатининг ёмонлашувига олиб келмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда шаҳар транспорти шовқинини камайтириш учун турли хил шовқиндан ҳимоялаш чораларини қўллаш бўйича катта амалий тажриба тўпланган бўлиб, Япония, АҚШ, Германия, Италия, Канада, Австралия, Швеция ва бошқа мамлакатларда ўн минглаб километр узунликдаги акустик экранлар ўрнатиш масалалари етакчи ўрин эгалламоқда. Бу борада, жумладан турар жой масканларини автотранспорт шовқинидан ҳимоялашда ҳимоя экранларидан таянч сифатида фойдаланиш, унга куёш панелларини жойлаштириш масаласи шаҳар кўча-йўл тармоғини тунги ёритиш бўйича муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда шаҳар кўча-йўллардаги шовқинга қарши кураш, хусусан турар жой масканларини автотранспорт шовқинидан ҳимоялашда ҳимоя экранларига куёш панелларини интеграциялаган ҳолда шаҳарсозликда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кенг қўламли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, GIS ва GPS технологияларни қўллаб шаҳар шовқин ҳаритасини ишлаб чиқиш, аҳолига ҳудудни шовқин режими ҳақида маълумотлар бериб, турар-жой қурилишида шовқин билан курашиш мутахассислари учун юқори самарадорликка эга бўлган бошланғич маълумотларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, турар жой масканларини автотранспорт шовқинидан ҳимояловчи ҳимоя экранларига куёш панелларини ўрнатган ҳолда муқобил энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш усули долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда шаҳар муҳитининг санитар-гигиеник ҳолатини яхшилаш билан бир қаторда кўча-йўл тармоғини ёритишда муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланиш ва самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган янги технологияларни яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларни амалда қўллаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20

фоизга ошириш»<sup>1</sup> бўйича бир қанча вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, хусусан, республикамизнинг йирик шаҳарларини автотранспорт шовқинидан ифлосланганлик даражасини камайтириш, унга қарши инженерлик чора-тадбирларни истиқболли ечимларини ишлаб чиқиш, жумладан турар жой масканларини автотранспорт шовқинидан ҳимояловчи ҳимоя экранларига қуёш панелларини ўрнатган ҳолда муқобил энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019-йил 9-декабрдаги ПҚ-4545-сон «Йўл соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2019-йил 30-октябрдаги ПФ-5863-сон «2030-йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 18-январдаги 48-сон «Ақлли шаҳар» технологияларини жорий этиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши бўйича тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг II - «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Шаҳарларни автотранспорт шовқинидан ифлосланганлик даражасини камайтириш, унга қарши инженерлик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, шунингдек шаҳарларнинг шовқин харитасини тузиш, турар жой масканларини автотранспорт шовқинидан ҳимояловчи ҳимоя экранларини кўча-йўл бўйлаб режалаштириш каби масалаларни ҳал қилишда бир қатор таниқли хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан П.И. Поспелов Г.Л. Осипов И.А. Шишкин И.Л. Карагодина, А.С. Монин, Жон Шадилай, Роберт Вадавн, Жек Персий, Ражев Кумар Мишра, Картик Наир, Кранти Кумар, Анкита Шукла, Хадар Баша, Жеонг Сеонг, Тае Парк, Жоон Х. Ко, Сео И. Чанг, Минхо Ким ва бошқалар.

Шовқинга қарши ҳимоя экранларини самарадорлигини ҳисоблаш, шовқинга қарши курашиш усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга Ўзбекистоннинг таниқли олимларини илмий ишлари бағишланган. Булардан:

И.С. Шукуров, З. Худайбердиев, Л.А. Алибеков, С.А. Нишонов, С.М. Қодиров, О.В. Лебедев, С.Е. Никитин, А. Богдасаров, Қ.Т. Усмонов. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида шовқинга қарши ҳимоя экранларига қуёш панелларини ўрнатган ҳолда муқобил энергиядан

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва кичик энергетиканинг амалиётида қўллаш масалаларни ечишда салмоқли натижаларга эришилди.

Шу билан бирга қуёш панеллари билан интеграллашган шовқинга қарши экран конструкциясини кўча-йўл бўйлаб жойлаштиришда бир вақтнинг ўзида конструкция шовқиндан ҳимоялаш билан бирга электр энергия ишлаб чиқаради. Бунда қуёш панеллари билан интеграллашган шовқинга қарши экран конструкциясини кўча-йўл бўйлаб жойлаштиришда қуёш ҳаракатини ўрганиш муҳим илмий ва амалий қизиқиш уйғотади. Аммо шовқинига қарши махсус экран конструкциясини қуёш панеллари билан интеграциялаш жараёни самарадорлигини оширувчи технологияни ишлаб чиқиш ва махсус конструкциянинг эксплуатациявий жараёнларини ўрганиш етарли даражада ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФЗ-201902192+201902197 “Қўнғирот-Мўйнок автомобиль йўл ёқаларининг инновацион ландшафт дизайни ечимини ишлаб чиқиш” (2019-2021) инновацион мегалойиҳаси мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Шаҳар аҳолисини автотранспорт шовқинидан ҳимоя қилиш билан бирга аҳолига муқобил энергия манбаларидан, хусусан, қуёш энергиясидан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

шаҳарларда автотранспорт шовқини тарқалишини ва шаҳардаги шовқин меъёрларини ўрганиш;

муаммо мавзусига бағишланган назарий ва амалий тадқиқот натижаларини танқидий ўрганиш ва таҳлил қилиш;

Тошкент шаҳар кўча-йўл тармоғи (КЙТ) нинг зичлигини аниқлаш; автомобиль йўлларида тарқалаётган шовқин даражаси назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

шаҳарларда тарқалаётган шовқин даражасини экспериментал тадқиқ этиш;

турар-жой масканларини автотранспорт шовқинидан ҳимоялаш бўйича инженерлик тадбирларни тақиқ этиш;

шовқиндан ҳимоя қилиш тадбирларини татбиқ қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

худудий омиллардан келиб чиққан ҳолда шовқин қайтарувчи махсус экранларда қуёш панелларини жойлаштиришнинг оптимал ечимларини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган моделнинг техник-иқтисодий самарадорлигини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент шаҳар халқа йўллари олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** шаҳар транспорти шовқинига қарши махсус экран конструкциясини қуёш панеллари билан интеграциялаш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида шовқин даражасини камайтириш ва автотранспорт ҳаракати жадаллиги, тезлиги, таркиби ҳамда оғирлигининг транспорт шовқинига таъсири тенгламалари, муқобил энергия олиш мақсадида шовқиндан химояловчи қурилмалардан фойдаланиш асосида махсус конструкция яратишда индукция тадқиқ усули ва экспериментал техник усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент шаҳар кўча-йўл тармоғи (КЙТ) зичлиги КЙТ узунлигининг шаҳар умумий майдонига нисбати орқали аниқланган;

Тошкент шаҳри халқа йўлларида автотранспорт ҳаракат жадаллиги, тезлиги, таркиби ҳамда оғирлигини транспорт шовқинига комплекс таъсири реал кўча шароитида экспериментал тадқиқот натижасида аниқланган;

Тошкент халқа йўллари бўйлаб шовқин қайтарувчи махсус экранларни режалаштиришнинг шаҳарсозлик нуқтаи назаридан оптимал жойлашуви ишлаб чиқилган;

Тошкент шаҳридаги Халқа йўли ва Кичик халқа йўли бўйича автотранспорт ҳаракати жадаллигининг дастлабки картограммаси экспериментал тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган;

интеграциялашган конструкция ёрдамида шовқин даражасининг 40% га камайтиришга эришиш экспериментал асосланган;

автотранспорт ҳаракати жадаллиги, тезлиги, таркиби ва оғирлиги қийматларидан фойдаланиб шовқин даражасини қийматини топиш дастури ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Тошкент шаҳри КЙТ зичлиги жаҳоннинг бошқа шаҳарлари КЙТ ўртача зичлигига нисбатан аниқланган;

Тошкент шаҳри Халқа йўлларидаги автотранспорт шовқини даражаси мазкур кўчаларнинг реал автотранспорт ҳаракати жадаллиги, таркиби ва юкланганлик даражасини натуравий кузатувлар натижасида аниқланди ва олинган натижалар рухсат этилган меъёрларга нисбатан таҳлил қилиниб Тошкент шаҳри учун дастлабки маълумотлар базаси шакллантирилган;

автотранспорт шовқинини камайтириш мақсадида махсус шовқин қайтарувчи замонавий экран конструкцияларининг моделлари ишлаб чиқилган;

шаҳарсозликда республика иқлим шароитини инобатга олган ҳолда КЙТ ни муқобил энергия манбалари ёрдамида ёритиш мақсадида шовқин қайтарувчи экранга қуёш панелларини жойлаштириш модели ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот якунида ўз аксини топган умумий хулосалар, шаҳар турар жой масканларида аҳолини автотранспорт шовқинидан химоя қилувчи экран конструкциясига қуёш

панелининг ўзаро боғланиши ва мувофиқлиги, ҳисобий ва экспериментал натижаларнинг ўзаро мос келиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Тошкент шаҳрининг кўча йўл тармоғи ва Халқа йўлларида олинган назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган шовқин даражасини аниқлашнинг математик модели кўча йўл тармоғи картограммаси, зичлиги мазкур тармоқни истиқболни белгилашда, кўчаларнинг ўтказиш қобилиятини прогноз қилишда, автотранспорт воситаларининг ўсиб боровчи сонига нисбатан уларнинг атроф-муҳитга етказадиган зарарларини, хусусан, шовқин даражасини назорат қилиш ва улардан ҳимоялаш усулларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Тошкент шаҳри кўча йўл тармоғи зичлигининг, ҳаракат зичлиги, таркибининг ҳамда Тошкент халқа йўлларидаги ҳаракат жадаллиги картограммаси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Шаҳар муҳитининг санитар-гигиеник ҳолатини яхшилаш мақсадида шовқини даражасини пасайтириш бўйича олинган натижалар асосида:

Тошкент шаҳар кўча-йўл тармоғи зичлиги аниқланган, тадқиқотлар натижасида биринчи марта Тошкент шаҳридаги Халқа йўли ва Кичик халқа йўли бўйича автотранспорт ҳаракати жадаллигининг картограммаси ишлаб чиқилган. Тошкент шаҳар кўча-йўлларида ҳаракатни ташкил этиш ва Тошкент халқа йўллари бўйлаб шовқин қайтарувчи махсус экранларни режалаштириш бўйича тавсиялар шаҳар магистрал кўчаларини эксплуатация қилувчи корхона ва ташкилотлар учун жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси “Йўл лойиҳа экспертизаси” УК нинг 2022 йил 21-апрелдаги № 430/12-сонли маълумотномаси). Натижада ҳаракатни тўғри ташкил этиш ҳамда кўча-йўллар бўйлаб шовқин қайтарувчи махсус экранларни режалаштириш орқали шовқин даражасини 40% га камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг натижалари 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-техник анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация ишининг натижалари 24 та илмий ва илмий-услубий ишлар, шу жумладан 2 та саноат намунасига патент, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган нашрларда 13 та илмий мақола (улардан 5 таси халқаро: 1 таси Web of science базасидаги ва 4 таси юқори “Impact Factor”га эга журналларда), 1 та монография, 8 та тезислар конференция материалларида (улардан 6 таси халқаро конференцияларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Муаммонинг ҳолати ва тадқиқот вазифалари”** деб номланган биринчи бобида, шаҳарларда шовқин тарқалиши шовқин меъёрлари, ҳудуд бўйлаб товуш тарқалишини ҳисоблаш, шовқин билан курашиш усулларини танлаш таҳлил қилинган. Унга кўра турар-жой бинолари жойлашган ҳудудда акустик қулай шароитни яратишининг асосий мезонлари селитеб ҳудудлар шовқинининг меъёрий эквивалент даражаси – қабул қилинган санитар нормалар бўйича кундузи 55 дБА ва сутканинг тунги вақтида 45 дБА ҳисобланади. Шовқинни Ўзбекистон ва Ғарб мамлакатлари меъёрлари ўзаро қиёсланганда уларнинг меъёрлари ҳар доим ҳам ўзаро мутобиқ эмаслигини кўриш мумкин. Масалан, Скандинавия мамлакатларида хонадаги шовқин даражаси унинг вазифасига (ётоқхона ёки умумий хона) боғлиқ эмас ва кундуз кун учун 45 дБА ва тунда 35 дБАга тенг, бу эса ўз навбатида Ўзбекистонда яшаш хоналари учун белгиланган меъёридан 10 дБАга кам ҳисобланади. Бу ерда тунги вақт 22-00 дан 7-00 га қадар ҳисобланади, айтилиши вақтда Ўзбекистонда тун 23-00 дан 7-00 гача белгиланган. Германияда сутканинг тунги даври 22-00 дан 6-00 га қадар ҳисобланади. Шовқиннинг меъёрий даражаси қийматида ҳам фарқларни кўриш мумкин – Германияда шовқин даражаси кундуз куни 59 дБА ва тунда 49 дБА дан ортмаслиги лозим, бу эса ўз навбатида Ўзбекистондагидан кўра 4 дБА га ортиқ.

Турар жой масканлари, хоналар ёки ҳудудга кириб борувчи шовқин курилиш меъёрлари, стандартлари ва санитар меъёрларда белгилаб қўйилган меъёрий катталиклардан ортиб кетмаслиги лозим.

Турли мамлакатларда шовқинни баҳолаш учун асосан шовқин даражаси (ШД) дБА да – шовқинни инсон қулоғи томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган частотали тафсилотига яқинлашган ҳолда ифодаловчи А частотали коррекция эгри чизиғида шовқин ўлчагич ёрдамида ўлчанадиган товуш босимининг умумий даражасида ўлчанади.

Мамлакатимиз меъёрий ҳужжатларида доимий бўлган шовқинни меъёрий даражаси товуш босими даражаси L, дБА ҳисобланади, частоталарни октава чизиқларида 31,5, 63, 125, 250, 500, 1000, 2000, 4000, 8000 Гц ли ўртача геометрик частоталар билан (товуш босимини октава даражалари) мўлжалланган баҳолаш учун товушни умумий даражаси  $L_A$ , дБА товуш босими даражаси ҳисобланади.

Шаҳар шовқинига қарши кураш муаммоси шаҳар муҳитини оқилона ўзгартириш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у шовқин манбалари сонини йўқ

қилиш ёки камайтириш, шовқин эмиссия зонасини маҳаллийлаштириш, манбаларнинг товуш даражасини пасайтириш ва одамлар яшайдиган жойларни шовқиндан ҳимоя қилиш йўлидан бориши керак. Ушбу муаммони ҳал қилиш қуйидаги усуллар билан амалга оширилади.



**1-расм. Шовқинни бартараф қилиш усуллари таснифи**

Ушбу таснифда кўрсатилганидек, шовқинни пасайтириш муаммосини турли усуллар билан ҳал қилиш мумкин. Шу билан бирга, мавжуд қурилиш шароитида маъмурий чоралар, масалан, транспорт оқимларини қайта режалаштириш каби чоралар иқтисодий харажатларнинг сезиларли даражада ошишига олиб келиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак. Енгил автомобилнинг ташқи шовқинини 80 дан 77 дБА гача камайтириш, унинг таннарини 1-3% га оширади, юк машинасининг шовқинини 90 дан 83 дБА гача камайтириш унинг нархини 2-7% га оширади. Демак, шаҳарларда шовқинни камайтиришнинг бошқа усуллари излаш керак.

Ҳозирги вақтда шовқинини камайтириш учун турли хил чораларини қўллаш бўйича катта амалий тажриба тўпланган. Япония, АҚШ, Германия, Италия, Канада, Австралия, Швеция ва бошқа мамлакатларда ўн минглаб километр узунликдаги акустик экранлар ўрнатилган. Япония, Франция ва Германия автомобиль шиналарининг шовқинини камайтириш учун шовқинни ютувчи йўл қопламаларидан фойдаланади. Товуш тарқалиши йўлида шовқин даражасини пасайтириш учун қирғоқлар ва яшил майдонлар муваффақиятли ишлатилган. Шовқиндан ҳимоя қилиш комплексини ишлаб чиқиш товушни талаб қилинадиган даражада пасайтиришга мувофиқ амалга оширилади ва экран конструкцияларини танлаш, биринчи навбатда, шовқиндан ҳимоя қилиш чораларининг самарадорлиги ва уларнинг нархини, шунингдек хавфсизлик талаблари, фойдаланиш хусусиятлари ва эстетик идрокни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Диссертациянинг “Автомобиль йўлларида тарқалаётган шовқин даражаси назарий жиҳатдан тадқиқ этиш” деб номланган 2-бобида шовқин тарқалишини ҳисоблаш усуллари, шовқинни ҳисоблаш схемалари классификацияси таҳлил қилинган. Классификация автомобил халқа йўли (АХЙ) мисолида амалга оширилган, шу сабабли унга АХЙ яқинида

жойлашган турар жой биноларининг энг кенг тарқалган турлари киритилган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, қурилиш иншоотларининг бу каби тури шаҳардаги яшаш муҳити учун одатий ҳисобланади. Ҳисобланган схемалар учун ҳисоблаш нуқтасида шовқин ҳосил бўлишининг ўзига хос хусусиятлари баён қилинган. Ҳар бир ҳисоблаш схемалари учун формулалар келтирилган. Турар жой биноларида шовқиннинг тарқалишини ҳисоблашнинг математик модели асосида ётувчи барча формулалар 1-жадвалда, ҳисоблаш схемаларига кўра мужассамлаштирилган.

1-жадвал

Ҳисоблаш схемалари учун формулалар

№	Ҳисоблаш схемаси	ҲН даги шовқин даражасини ( $L_{\text{ХН}}$ , дБА) ҳисоблаш учун формула
1.		$L_{PT} = L_{A_{\text{экв}}} - 101ga + 101g \arctg \frac{l}{2a} + 101g \arctg \frac{lh}{2R\sqrt{4R^2 + l^2 + h^2}} - 7, \text{ при } h \leq 2l$ $L_{PT} = L_{A_{\text{экв}}} - 101gR + 101g \arctg \frac{h}{2a} + 101g \arctg \frac{h}{2R} - 16, \text{ при } h > 2l$
2.		$L_{PT} = L_{A_{\text{экв}}} - 101gR + 101g \arctg \frac{l_{np}}{2R} - 8$
3.		$L_{PT} = L_{A_{\text{экв}}} - 101gR_1 + 101g \arctg \frac{l_{np}}{8R_1} - 8$
4.		$L_{PT} = L_{A_{\text{экв}}} + 101g \left[ \frac{1}{\pi} \arctg \frac{a_{np} b_{np}}{2R\sqrt{4R^2 + a_{np}^2 + b_{np}^2}} + \frac{a_{np} + b_{np} \left( 1 - \frac{\sum_{i=1}^n \bar{\alpha}_i S_i}{S_{3.0.}} \right)}{\sum_{i=1}^n \bar{\alpha}_i S_i} \right] + 6$

5		$L_{PT} = L_{Лэкв} + 101g(1 - \bar{\alpha}_n) - 101gR - 101ga_n + 101garctg \frac{l_n}{2R} + 101garctg \frac{l_n}{2a_n} - 16$
---	--	---

Мазкур ишда келтирилган ҳисоблаш усуллари шовқиннинг маконда тарқалишининг классик назариясидаги каби, Японияда, Германияда ва Россияда бажарилган айрим қизиқарли илмий ишланмаларга ҳам асосланган.

**“Шаҳар кўча-йўлларида тарқалаётган шовқин жараёнларини автотранспорт ҳаракат жадаллигига таъсирини экспериментал тадқиқотлари”** деб номланган учинчи бобда Тошкент шаҳридаги КЙТ зичлигини аниқлаш, шаҳар кўча-йўлларидаги ҳаракат жадаллиги, тезлиги ҳамда автотранспорт шовқини даражасини ўлчаш ишларининг натуравий эксперимент натижалари келтирилган.

Жаҳон шаҳарсозлиги тажрибасида транспорт инфраструктурасини ривожланганлик даражасини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири бу – шаҳар кўча-йўл тармоғи (КЙТ)нинг зичлиги ( $\delta$ )дир. Бу кўрсаткич КЙТ узунлигининг шаҳар майдонига нисбати билан тавсифланади:

$$\delta_{ум} = L/S \quad (1)$$

бу ерда:  $\delta_{ум}$  - шаҳарнинг умумий КЙТ зичлиги, км/ км<sup>2</sup>;  $L_{ум}$  - умумий кўча-йўл тармоғининг узунлиги, км;  $S$  - шаҳарнинг умумий майдони, км<sup>2</sup>.

Тошкент шаҳридаги барча кўчаларнинг умумий узунлиги 2 380,6 км ни, уларнинг умумий майдони – 22 347, 4 минг м<sup>2</sup>. Бундан 1-формулага асосан шаҳарнинг умумий КЙТ зичлиги ( $\delta_{ум}$ ) келиб чиқади:

$$\delta_{ум} = L/S = 2380,6 \text{ км} / 334,8 \text{ км}^2 = 7,11 \text{ км/км}^2$$

Ҳудди шундай, Тошкент шаҳридаги асосий (жамоат транспорти катнайдиган) кўчаларнинг узунлигини шаҳар умумий майдонига нисбатидан – асосий кўчаларга нисбатан шаҳарнинг асосий КЙТ зичлиги ( $\delta_{ас}$ ) келиб чиқади:

$$\delta_{ас} = L/S = 735,4 \text{ км} / 334,8 \text{ км}^2 = 2,19 \text{ км/км}^2$$

Бу кўрсаткичнинг дунёнинг бошқа йирик шаҳарлари кўрсаткичларига нисбати 2-расмда келтирилган.



2-расм. Дунёнинг йирик шаҳарларида унинг майдони ва аҳоли сонига нисбатан кўча-йўл тармоғи зичлиги.

Шаҳар кўча-йўлларидаги ҳаракат жадаллиги деб, йўлнинг маълум бир кесимидан вақт бирлигида ўтган транспорт воситаларининг умумий сонига айтилади. Ҳаракат жадаллиги вақт давомида ўзгаради, яъни мавсумий ҳафта ва кун давомида. Ҳаракат жадаллигининг йил мобайнида ўзгариши йиллик норавонлик коэффиценти билан ифодаланади. Йил давомидаги ҳаракат суръатидаги ўзгаришлар нотекисликнинг йиллик (мавсумий) коэффиценти воситасида ифодаланади:

$$K_r = W_m / W_r \quad (2)$$

бу ерда:  $W_{ой}$ - ойлик ҳаракат жадаллиги;  $W_{йил}$ -йиллик ҳаракат жадаллиги.

Қатновни қайд қилиш маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда бир соат ичидаги қатнов суръатини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$N_{сут} = \frac{N_{сут} \cdot 365 \cdot K_t \cdot K_n \cdot K_r}{4}, \text{ авт/с} \quad (3)$$


бу ерда  $N_{сут}$  - қатновнинг ўртача йиллик бир суткалик суръати, авт/сут.

Шаҳарларни бош режасини ишлаб чиқиш жараёнида муҳим ҳисобланган шаҳар транспорт мажмуаси, алоҳида олинган туман транспорт тизими, транспорт ҳаракатини ташкил этиш каби масалалар, шаҳар ҳаракатини ўрганиш бўйича тизимли кузатишлар олиб боришни тақозо этади. Бу кузатишлар асосида қуйидагилар шаклланади:

-мавжуд ҳаракат жадаллиги картограммаси, асосий йўналишлардаги йўловчи ва юк оқимлари;

-келажакдаги ҳаракат жадаллиги картограммаси, асосий йўналишлардаги йўловчи ва юк оқимлари миқдори, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва автомобиллар кўпайишини башорат қилиш.

АЙДҚ “Йўл лойиҳа экспертиза” Унитар корхонаси лабораториясидаги ҳамда Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси “Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси”нинг йўл назорати бўлимининг октябр 2019 йил маълумотлари асосида Тошкент шаҳар Халқа йўлларини ўртача кунлик ҳаракат жадаллигини (ҳаракат картограммаси) 3-расмда тасвирланган.



3-расм. Тошкент Халқа йўли, Кичик халқа йўли ҳамда уларни боғловчи кўчаларнинг юкланганлик даражаси, донa (2019 йил, январь ҳолатига кўра).

Шовқинни ўлчаш учун ГОСТ 203337-2014 га мувофиқ танланган объектда транспорт оқимининг жадал ҳаракатланаётган вақтида аҳоли яшайдиган маскан уй фасади олдида 2 м узoқликда шовқин ўлчовчи махсус қурилма ўрнатилди. Қурилма микрофони транспорт оқими тарафга қарата ўрнатилиб минимум 20 минут максимум 30-40 минут давомида ўлчанди. Автотранспорт шовқинини ўлчаш учун автомобил йўлининг “тиғиз” вақтида ўлчаш ишлари амалга оширилди.

Ўтказилган натуравий эксперимент натижаларига кўра танланган объектлар: Қушбеги, Қўшқўрғон, Нукус, Олтинтепа, Тимур Малик кўчаларида йўл ёқаларида жойлашган турар-жой масканлари (турар-жой биноси)дан 2 м узoқликда ГОСТ 23337-2014 га асосланган ҳолда қуйидаги натижалар олинди (4, 5, 6, 7, 8, 9 расмлар).



4-расм. Тошкент шаҳар Қушбеги кўчасида олинган эксперимент натижаларига кўра рухсат этилган товуш даражаси ва мавжуд ҳолат ўртасидаги фарқ.



5-расм. Тошкент шаҳар Қўшқўрғон кўчасида олинган эксперимент натижаларига кўра рухсат этилган товуш даражаси ва мавжуд ҳолат ўртасидаги фарқ.



6-расм. Тошкент шаҳар Нукус кўчасида олинган эксперимент натижаларига кўра рухсат этилган товуш даражаси ва мавжуд ҳолат ўртасидаги фарқ.



7-расм. Тошкент шаҳар Олтинтепа кўчасида олинган эксперимент натижаларига кўра рухсат этилган товуш даражаси ва мавжуд ҳолат ўртасидаги фарқ.



8-расм. Тошкент шаҳар Тимур Маллик кўчасида олинган эксперимент натижаларига кўра рухсат этилган товуш даражаси ва мавжуд ҳолат ўртасидаги фарқ.



9-расм. Тошкент шаҳар Бешқайрағоч кўчасида олинган эксперимент натижаларига кўра рухсат этилган товуш даражаси ва мавжуд ҳолат ўртасидаги фарқ.

Ўтказилган натуравий экспериментлар натижаси шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган № 0008-20 “Санитария нормалари ва қоидалари”га кўра Тошкент шаҳридаги Қушбеги, Қўшқўрғон, Нукус, Олтинтепа, Тимур Малик кўчаларида кундуз кунги рухсат этилган шовқин даражаси йўл қўйиладиган санитар норма (55 дБА) дан максимум 21 дБА ва минимум 10 дБА га ортиқ эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг “Шовқин моделлари ва ундан ҳимоя чора тадбирларини ишлаб чиқиш” деб номланган 4-бобида шовқин даражасининг автотранспорт воситалари ҳаракат жадаллиги, тезлиги ва оғирлигига боғлиқлигининг математик модели ишлаб чиқилган. Шунингдек, шовқинга қарши махсус экранларни қуёш панеллари билан биргаликда жойлаштириш схемалари, шовқинга қарши махсус экранларни кўча-йўл бўйлаб жойлаштириш бўйича таклифлар ва қуёш панеллари билан интеграллашган шовқинга қарши экран конструкциясининг техник иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган.


3-бобидаги натуравий эксперимент натижаларидадан фойдаланиб, автомобиль тезлигининг шовқинга таъсири ўрганилди, шовқин даражасининг автотранспорт воситалари тезлиги ва ҳаракат жадаллигига боғлиқлик модели ишлаб чиқилди. Бунда енгил автомобиль воситаларининг ҳаракат тезлиги ва жадаллиги ўрганилди ва автомобиль тезлигининг ҳар 5 ва 10 км/соат тезлик интервалида шовқин даражаси ҳам ошиши кузатилди. Олинган натижалар математик қонуниятларга мос келишини корреляция коэффицентининг тайин қийматларида текширилди. Натижада “L” нинг “v” тезликка боғлиқлик тенгламаси қуйидагича эканлиги келиб чиқди:

$$\hat{L} = 0,2v + 49,9 \quad (4)$$

Топилган моделнинг адекватлигини текширилиб, корреляция коэффициенти қуйидагича натижага эришилди:

$$r = 0,986$$

Шунда  $\nu$  ва  $L$  орасидаги чизиқли модел топилиб, унда энг кичик квадратлар усули ёрдамида топилган моделнинг адекватлиги Стьюдентнинг  $t$  - аломати ва Фишер  $Z$  - алмаштиришидан фойдаланган ҳолда аниқланди.




10-расм. Тайин корреляция коэффициенти қийматида автомобил жадаллиги ва тезлигининг шовқин даражасининг ортишига боғлиқлик графиги.

Мазкур параграфда шовқин даражасининг ошишини бир нечта омилларга, хусусан атомобиль ҳаракат жадаллиги, тезлиги ҳамда автомобилларнинг оғирлик миқдорида боғлиқлигини кўриб чиқамиз. Кўп омилли чизиқли моделнинг номаълум параметрларини қуйидаги формулалар орқали топиш мумкин:


$$L = b_2 M + b_1 I + b_0 \quad (5)$$

$$B = (X^T \cdot X)^{-1} \cdot (X^T \cdot Y)$$

бу ерда  $X^T$  - транспонирланган матрица (йўл ва устун элементлари алмаштирилган);



11-расм.  $M$ -автотранспорт воситаларининг оғирлиги;  $I$ -ҳаракат жадаллиги қийматларида корреляция коэффициентида  $L$ -шовқин даражасининг ортиши.




**12-расм. Ҳаракат жадаллиги, таркиби, оғирлиги ва ҳаракат тезлигининг шовқин даражасига таъсири графиги.**


$L=0,000015M+0,045I-38,51$  – кўп омили чизиқли регрессия тенгламаси ишлаб чиқилди ҳамда ўртача корреляция коэффициентини  $R= 0,9889$  га тенг, деб топилди.

Транспорт шовқинидан ҳимоялашнинг энг самарали йўли, бу шаҳарнинг бош режаси ишланишида аэропортларнинг категорияси бўйича шаҳардан меъёрий талабда белгиланган узоқликда жойлаштириш, турли юк ташувчи трассаларни махсус ҳимоя зоналар орқали ўтказиш, шаҳарни айланиб ўтиши, тезкор йўлларни бошқа кўча ва йўллардан ҳимоялаш ҳамда кўча-йўл бўйлаб шовқинга қарши экранларни жойлаштириш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур ишда қуёш панеллари билан интеграллашган шовқинга қарши экран конструкциясини лойиҳавий эскизлари ишлаб чиқилди (13-14-расмлар) ҳамда “Қуёш панеллари билан интеграллашган шовқин қайтарувчи экран” номли саноат модели Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлиги томонидан патентланди (2022 й).



**13-расм. Қуёш панеллари билан интеграллашган шовқин қайтарувчи экран (умумий кўриниш)**



**14-расм. Қуёш панеллари билан интеграллашган шовқин қайтарувчи экран (умумий кўриниш)**

Қуёш панеллари билан интеграциялашган шовқиндан ҳимояловчи экранларнинг афзаллиги – шаҳар ҳудудида қиммат бўлган ер ресурсини тежашдан иборатдир. Жаҳон миқёсида 2015-йилнинг ўзида қуёш энергияси истеъмоли 2012-йилга қараганда 50% га ошди. 2015-йилда қуёш

энергиясидан олинган умумий электрэнергия миқдори тахминан 227 ГВт ни ташкил этган бўлса ундан 9% (20,43 ГВт) куёш панеллари билан интеграциялашган шовқиндан химояловчи экранлар ҳисобига тўғри келади.



**15-расм. Шовқин қайтарувчи экранда куёш панелининг тепада бир қатор ўрнатилган ҳолати учун ўртача 1 суткада электр энергияси ишлаб чиқариш, кВт/сут.**

Мазкур ишда ишлаб чиқилган шовқин қайтарувчи махсус экран конструкцияга ўрнатилган куёш панелларидан иборат интеграциялашган объектнинг иқтисодий самарадорлиги тадқиқ қилинган. 15-расмда шовқин қайтарувчи экранда куёш панелининг тепада бир қатор ўрнатилган ҳолатида 1 суткада ишлаб чиқазадиган электр энергияси миқдори келтирилган бўлиб у 1 км масофа учун олинган.

Куёш панелларидан олинган электр энергия 540 кВт бўлиб, уни йўл ёқасидаги ҳудуднинг барча электр асбоб-ускуналарига сарф қилиниши ишлаб чиқариладиган электр энергиянинг 5% ни ташкил этди. Тадқиқотлар натижасида олинган натижаларга кўра 4 секцияли, 48 хонадонли турар-жой биносининг ўртача 1 суткалик электр энергияси истеъмоли 192 кВт/сут га тенглиги аниқланиб, тадқиқ этилган 1 км масофага ўрнатилган куёш панеллари билан интеграллашган шовқин қайтарувчи экраннинг 1 суткалик ишлаб чиқарган энергияси ҳажми 540 кВт ни ташкил этади. Ишлаб чиқилган электр-энергияси 2 хонали 135 та хонадон эҳтиёжини қоплайдиган эквивалентдаги электр энергия ишлаб чиқаради ва марказлаштирилган шаҳар электр тармоғига нисбатан 35 % га арзонга тушади.

### ХУЛОСА

“Шаҳарсозликда турар жой масканларини автотранспорт шовқинидан химоя қилишнинг инновацион ечимлари” номли мазкур тадқиқот иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги натижалар олинди ва хулосалар қилинди:

1. Автотранспортлар ҳаракати жадаллиги, тезлиги, таркиби ҳамда оғирлигининг транспорт шовқинига таъсири қонуниятлари аниқланди, унга кўра ишлаб чиқилган моделдаги автотранспорт оғирлиги ва ҳаракат

жадаллигининг қийматларидан фойдаланиб шовқин даражасини қийматини топиш дастури ишлаб чиқилди.

2. Тошкент шаҳридаги Халқа йўли ва Кичик халқа йўли бўйича автотранспорт ҳаракати жадаллигининг дастлабки картограммаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра истиқболдаги автотранспортлар сонининг ўзгариши динамикасидан келиб чиққан ҳолда, кўча-йўлларнинг ўтказиш қобилиятини, ҳаракат жадаллиги ва тезлигини прогнозлаш имкониятини пайдо бўлади;

3. Тошкент шаҳар КИТ зичлиги аниқланди ва у 2.19 км/км.кв ни ташкил этиб, таққосланган 6 та жаҳоннинг йирик шаҳарларига нисбатан бу кўрсаткич 4.5 марта кичикдир;

4. Автотранспорт шовқинига таъсир этувчи омилларнинг унга боғлиқлик қонуниятларидан келиб чиқиб, транспорт шовқинини прогнозлашнинг математик модели ишлаб чиқилди;

5. Транспорт шовқинини баҳолаш ва унга қарши комплекс чоратадбирларни режалаштириш схемаси асосида Халқа йўллари бўйлаб экранларни ўрнатишнинг оптимал схемалари ишлаб чиқилди;

6. Қуёш панеллари билан интеграллашган шовқинга қарши экран конструкциясининг лойиҳавий моделлари ишлаб чиқилиб, мазкур конструкциянинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари асосланди.

Шовқин қайтарувчи экранлардан бугунги кунда шаҳарсозликда фойдаланиш бир қанча оптимал ечимларни беради, хусусан, шаҳарсозликда қимматли ҳисобланган ер ресурсидан фойдаланиш, ҳудудга меъморий-эстетик кўрк бериш, шовқин қайтариш самарасининг жуда юқорлиги (бошва инженерлик тадбирларга нисбатан), замонавий шаҳарсозлик элементи сифатида янги конструкция деб қабул қилиниши мумкин;

Шовқин қайтарувчи махсус экран конструкцияларига қуёш панелларини ўрнатиш орқали республикамиз шаҳарсозлигида янги шаҳарсозлик элементининг пайдо бўлиши билан биргаликда шаҳар экологиясининг яхшиланиши, муқобил энергия манбалари ёрдамида шаҳар КИТ ини тунгги ёритиш асослаб берилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2021.A.11.02 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКОМ АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТ**

**АБДИХАЛИЛОВ ФИТРАТ АБДИХАЛИЛ УГЛИ**

**ИННОВАЦИОННЫЕ РЕШЕНИЯ ЗАЩИТЫ ОТ  
АВТОТРАНСПОРТНОГО ШУМА ЖИЛЫХ КВАРТАЛОВ В  
ГРАДОСТРОИТЕЛЬСТВЕ**

18.00.02. – Районирование. Градостроительство. Планирование сельских населённых пунктов. Ландшафтная архитектура. Архитектура зданий и сооружений.

**АВТОРЕФЕРАТ**

**доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Ташкент – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2021.4.PhD/T2582**

Диссертация выполнена в Ташкентском архитектурно-строительном институте. Автореферат диссертации на трех языках: узбекском, русском, английском (резюме), размещен на веб-странице Научного совета ([www.taqi.uz](http://www.taqi.uz)) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Хотамов Асадулла Тоштемирович</b> – доктор технических наук, доцент
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Уроков Аслиддин Хушвактович</b> – доктор технических наук, профессор <b>Хасанов Азамат Озадович</b> – кандидат архитектурных наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>“ТОШКЕНТБОШПЛАНЛИТИ” УП</b>

Защита диссертации состоится 9 сентября 2022 года в 10-00 часов на заседании Научного совета DSc **26/30.12.2019.T.11.01** при Ташкентском архитектурно-строительном институте. (Адрес: 100011, г.Ташкент, ул. Абдуллы Кадыри, дом №7в. Тел.: (99871) 241-10-84; факс (99871)241-80-00). e-mail: [devon@taqi.uz](mailto:devon@taqi.uz), [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)).

С докторской диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского архитектурно-строительного института (зарегистрирован под номером **№78**). Адрес: 100011, г. Ташкент улица Кичик Халка йули, дом №7. Тел.: (+998 71) 235-43-30; факс: (+998 71) 234-15-11. e.mail:[taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)).

Автореферат диссертации разослан 24 августа 2022 года. (реестр протокола рассылки №1 от 14 июля 2022 года.

**Д.А. Назилов**  
Председатель разового ученого совета по  
присуждению ученых степеней, д.арх.н., профессор

**Ш.С. Рейимбаев**  
Ученый секретарь разового ученого совета по  
присуждению ученых степеней, к.арх.н., доцент

**А.Х. Уроков**  
Председатель разового научного семинара при Ученом  
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н.,  
профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В мире резкое увеличение количества автотранспортных средств, в том числе снижение пропускной способности улиц, снижение скорости движения транспортных средств, появление пробок на большинстве одноуровневых перекрестков, что приводит к увеличению расхода топлива транспортными средствами, потере времени пассажирами, к увеличению выбросов выхлопных газов и транспортного шума, а также к ухудшению качества городской улично-дорожной сети и санитарно-гигиенического состояния автомобильных дорог. В настоящее время в развитых странах накоплен большой практический опыт применения различных шумозащитных мер для снижения шума городского транспорта, а в Японии, США, Германии, Италии, Канаде, Австралии, Швеции и других странах вопросы установки акустических экранов протяженностью в десятки тысяч километров занимают ведущее место. В связи с этим особое внимание уделяется использованию защитных экранов в качестве основы для защиты жилых зданий от шума дорожного движения, а также вопросу размещения на нем солнечных панелей, повышения эффективности использования альтернативных источников энергии для освещения городской улично-дорожной сети.

В мире проводятся масштабные исследовательские работы по повышению эффективности использования альтернативных источников энергии в городском планировании путем интеграции солнечных панелей в защитные экраны в борьбе с городским улично-дорожным шумом, в частности в защите жилых районов от шума транспортных средств. В этом направлении, включая разработку карты городского шума с поддержкой технологий GIS и GPS, предоставление населению информации о шумовом режиме территории, исследования по идентификации первичных данных с высокой эффективностью для специалистов по контролю шума в жилищном строительстве считаются приоритетными. Вместе с тем, одной из актуальных задач является метод повышения эффективности использования альтернативной энергии путем интеграции солнечных батарей в защитные экраны, защищающие жилые помещения от шума автотранспорта.

В нашей Республике наряду с улучшением санитарно-гигиенического состояния городской среды осуществляются широкомасштабные мероприятия по проведению исследований и их практическому применению по созданию новых технологий, способствующих широкому использованию и повышению эффективности использования альтернативных источников энергии при освещении улично-дорожной сети. **В стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы определены задачи по «Бесперебойному обеспечению экономики электроэнергией и активному внедрению технологий, а также “Зеленой экономики” во все сферы, повышению энергоэффективности экономики на 20 процентов».** При реализации этих задач, в частности, важное значение имеет снижение уровня загрязнения крупных городов Республики автотранспортным шумом,

разработка перспективных решений инженерных мероприятий по борьбе с ним, в том числе повышение эффективности использования альтернативной энергии с интеграцией шумозащитных экранов с солнечными панелями для жилых кварталов от шума автотранспорта.

Настоящее диссертационное исследование служит в определенной степени реализации задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и от 30 января 2019 года № ПФ-5863 «Об утверждении Концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года», в постановлении Президента Республики Узбекистан от 9 декабря 2019 года № ПП-4545 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления дорожной отраслью», и в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 января 2019 года №48 «Об утверждении концепции внедрения технологий «умный город» в Республике Узбекистан» и в других нормативно-правовых актах, а также документов, касающиеся данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан II - «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** Значительный вклад в решение таких вопросов, как снижение уровня загрязнения городов автомобильным шумом, разработка инженерных мероприятий по борьбе с ним, а также составление шумовой карты городов, улично-дорожной планировки жилых помещений с защитными экранами от шума автотранспорта, внесли ряд известных зарубежных ученых, в том числе П.И. Поспелов Г.Л. Осипов И.А. Шишкин И.Л. Карагодина, М.В. Буторина, А.С. Монин, Джон Шадили, Роберт Вадаван, Джек Перси, Раджев Кумар Мишра, Картик Наир, Кранти Кумар, Анкита Шукла, Хадар Паша, Джеонг Сеонг, Тае Парк, Джон Х. Ко, СЕО И. Чанг, Минхо Ким и др.

Вычислению эффективности шумозащитных экранов, разработке и совершенствованию методов борьбы с шумом посвящены научные работы известных ученых Узбекистана. Из них: И.С. Шукуров, З. Худайбердиев, Л.А. Алибеков, С.А. Нишонов, С.М. Кодиров, О.В. Лебедев, С.Е. Никитин, А. Богдасаров, К.Т. Усманов. В результате проведенных научных исследований достигнуты значительные результаты в решении вопросов повышения эффективности использования альтернативной энергии с установкой солнечных батарей на шумозащитных экранах и их применения в практике малой энергетики.

В то же время при размещении интегрированной конструкции экрана против шума с солнечными панелями вдоль улицы и дороги конструкция будет генерировать электроэнергию одновременно с защитой от шума. При этом значительный научный и практический интерес представляет изучение движения солнца при улично-дорожной компоновке конструкции

шумозащитного экрана, интегрированной с солнечными панелями. Однако разработка технологии, повышающей эффективность процесса интеграции специальной конструкции экрана с солнечными панелями против помех, и изучение эксплуатационных процессов специальной конструкции недостаточно изучены.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательской работы Ташкентского архитектурно-строительного института в соответствии инновационного мегапроекта ФЗ-201902192+201902197 «Разработка инновационных ландшафтно-дизайнерских решений вдоль автомобильных дорог Кунград-Муйнак» (2019-2021).

**Целью исследования** является разработка предложений и рекомендаций по эффективному использованию альтернативных источников энергии, в частности солнечной энергии, при защите городского населения от транспортного шума.

**Задачи исследования:**

изучение распространения транспортного шума в городах и норм шума в городе;

критическое изучение и анализ результатов теоретических и практических исследований, посвящённых теме проблемы;

определение плотности улично-дорожной сети (УДС) города Ташкента;

теоретическое исследование уровня шума, распространяющегося на автомобильных дорогах;

экспериментальное исследование уровня шума в городах;

изучение инженерных мероприятий по защите жилых кварталов от транспортного шума;

разработка рекомендаций по внедрению шумозащитных мероприятий;

разработка оптимальных решений по интеграции шумозащитных экранов с солнечными панелями с учетом региональных факторов;

обоснование технико-экономической эффективности разработанной модели.

**Объектом исследования** являются дороги общего пользования города Ташкента (кольцевые дороги города Ташкента).

**Предметом исследования** является интеграция специальной конструкции экрана с солнечными панелями для защиты от шума городского транспорта.

